

Сийрат дарслари (77-дарс). Қачон бирингиз намозда ўтирса...



13:30 / 20.03.2020 6521

342. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Имом «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» деганида сизлар «Аллоҳумма Роббанаа лакал ҳамду», денглар. Чунки кимнинг айтгани фаришталарнинг айтганига мувофиқ келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади», дедилар».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

343. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ташаҳҳудни худди Қуръонни таълим бергандек ўргатар эдилар. У зот: **«Ат-Таҳийяту ал-Мубаракоту ас-Саловоту ат-Тоййибату лиллаҳи. Ас-Салому алайка аййуҳан Набиййу ва раҳматуллоҳи ва баракотуху. Ас-Салому алайнаа ва ала ибадиллоҳис солиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳу. Ва ашҳаду анна Муҳаммадан Расулуллоҳ»**, дер эдилар».

Муслим ривоят қилган.

344. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга ташаҳҳудни кафтларим кафтлари орасида турганда худди Қуръонни таълим бергандек ўргатдилар: **«Ат-таҳиййаату лиллааҳи вас-солаваату ват-тоййибаату, ас-салааму алайка аййуҳан-набиййу ва роҳматуллоҳи ва баракаатуху, ас-салааму алайна ва алаа ибаадиллааҳис-солиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа иллалоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва Расулуҳу»**.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Бас, қачон бирингиз намозда ўтирса: «Ат-Таҳиййаату лиллааҳи...»** деб зикр қилди. Сўнг «ибодиллоҳис-солиҳийн»ни зикр қилганда: **«Агар шуни айтса, Аллоҳнинг осмону ердаги ҳар бир бандасига айтган бўлади»** ни ва охирида: **«Сўнгра нимани хоҳласа, шуни сўрашни ихтиёр қилсин»**ни зиёда қилди.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан